

08.00.00 – Иқтисодиёт фанлари

Алимова Муниса Юлчиевна
ҚарМИИ, “Инновацион иқтисодиёт”
кафедраси мустақил тадқиқотчиси

ҚИШЛОҚ АҲОЛИСИ ТУРМУШ ДАРАЖАСИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАСНИФИ

Аннотация. Мақолада қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини оширишнинг назарий жиҳатлари, уларга таъсир кўрсатувчи омиллар ёритилган, бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларнинг механизмлари, устувор йўналишлари ва асосий натижалари келтирилган. Шу билан бир қаторда, ушбу мақолада аграр секторда амалга оширилаётган чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш йўллари акс эттирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ аҳолиси, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси, турмуш сифати, аҳоли даромадлари, ишлаб чиқариш йўналишлари, таъсир қилувчи омиллар, аҳоли фаровонлиги.

Алимова Муниса Юлчиевна
Независимый исследователь кафедры
«Инновационная экономика» КарИЭИ

КЛАССИФИКАЦИЯ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА УРОВЕНЬ ЖИЗНИ СЕЛЬСКОГО НАСЕЛЕНИЯ

Аннотация. В статье описаны теоретические аспекты повышения уровня жизни сельского населения, факторы, влияющие на них, механизмы, приоритеты и основные результаты реализуемых сегодня реформ по повышению уровня жизни сельского населения. Кроме того, в данной статье отражены пути повышения эффективности мероприятий, реализуемых в аграрной сфере.

Ключевые слова: сельское население, уровень жизни сельского населения, качество жизни, доходы населения, направления производства, влияющие факторы, благосостояние населения.

Alimova Munisa Yulchievna
Karshi Engineering Economics Institute,
Independent Researcher of the Department
of "Innovative economy",

CLASSIFICATION OF FACTORS AFFECTING LIVING STANDARDS OF THE RURAL POPULATION

Abstract. The article describes the theoretical aspects of improving the living standards of the rural population, the factors influencing them, the mechanisms, priorities and main results of the reforms being implemented today to improve the living standards of the rural population. In addition, this article reflects ways to improve the efficiency of measures implemented in the agricultural sector.

Key words: rural population, standard of living of the rural population, quality of life, incomes of the population, directions of production, influencing factors, well-being of the population.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SP1342V3I6Y2023N09>


Кириш. Узоқ йиллардан буён қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини янада яхшилаш мамлакатимизда амалга ошириб келинаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ўтган йиллар давомида минтақамизда қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегияси, унинг давоми сифатида Тараққиёт стратегиясида бир қатор вазифалар белгилаб қўйилган. Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг таъкидлашича, “...Қишлоқ хўжалигида бозор механизмларига асосланган, бошқарувнинг мутлақо замонавий шакли бўлган кластер тизими жорий этилаётгани амалда ўзини тўла оқламоқда. Ушбу инновацион тизим аграр соҳани ривожлантиришнинг муҳим воситасига, қишлоқ аҳолисининг кафолатли даромад манбаига айланиб бормоқда” [1].

Ўтган яқин йилларда мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг даромадларини ошириш, қишлоқ жойларида таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларининг сифатини юксалтириш, уларни қулай шарт-шароитга эга бўлган уй-жой билан таъминлаш тадбирлари мунтазам эътиборга олинган. Натижасида бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражасида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Жумладан, қишлоқ хўжалигида тадбиркорликни ривожлантириш, деҳқон хўжаликлари ва аҳолининг томорқа ерларидан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмларини кучайтириш аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили. Тадқиқот давомида илмий адабиётлар ўрганилганда, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш даражаси сифатида талқин этилганини кўриш мумкин. Жумладан, В.Н.Салин, Е.П. Шпаковскаялар “Аҳоли турмуш даражаси бу инсон фаолиятининг, энг аввало, реал ижтимоий-иқтисодий шароитлар йиғиндисини ифодаловчи мураккаб ва кўп қиррали категория бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг муҳим тавсифи ҳисобланади” [2], – деган фикрни ифода этадилар. С.Д.Дагбаеванинг тадқиқотларида “Аҳоли турмуш даражасига моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларни қондириш даражаси” сифатида қаралган [3]. Ушбу берилган таъриф аксарият ҳолларда аҳоли турмуш даражасининг статистик таҳлилида ўз аксини топади, қолаверса қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси бир қанча омиллар таъсирида ўзгариб туради. Жумладан, табиий омиллар сифатида аҳоли сонининг ортиб боришини мисол келтирсак, ижтимоий омилларга ишсизлик ва бандлик даражасининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар мисол бўлади. Иқтисодий омиллар эса, аҳоли даромадларининг ортиб бориши, иқтисодий фаол аҳоли сонининг кўпайиши, илмий салоҳиятга эга бўлган фуқаролар сафининг кенгайиши натижасида акс этади. Ўзбекистонлик иқтисодчи олим Қ.Х.Абдураҳмоновнинг тадқиқотларида, “...турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарур моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланиш даражаси, уларни истеъмол қилиш даражаси” тушунилади [4]. Х.С.Мухитдинов эса, “...аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига боғлиқ ва аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга таъсир кўрсатади”

деган фикрни ифода этади [5]. Яна бир иқтисодчи олим С.Н.Хамраеванинг олиб борган илмий тадқиқотларида, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини яхшилаш учун хизмат кўрсатиш соҳаси, яъни инфратузилмани ривожлантириши муҳим аҳамият касб этади [6,7]. Бизнинг фикримизча, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси ижтимоий-иқтисодий категория сифатида қишлоқ жойларида истиқомат қилувчи инсонлар ҳаётининг ишлаб чиқариш ва истеъмол билан боғлиқ барча муносабатларни қамраб олади.

Таҳлил ва натижалар. Аслида қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси деганда, қишлоқ одамларининг бирламчи эҳтиёжини қондирувчи зарур моддий ва маънавий неъматлар билан таъминланганлик даражаси тушунилади. Баъзи илмий адабиётларда ёзилишича, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини қуйидагича ифодалаш мумкин (1-расм):




1-расм. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг шакллари

1-расмдан маълумки, аҳолининг қашшоқлик даражаси кундалик ҳаётда зарур бўлган моддий неъматлардан минимал даражада фойдаланиш имконияти ифодаланган. Камбағаллик даражасида эса, қишлоқ жойларида иш кучини такрор ҳосил қилишда кундалик учун керакли ҳисобланган моддий неъматлардан уларнинг қуйи чегараси доирасида фойдаланиш имконияти акс этади. Ўрта даражада эса, инсонда ўзининг жисмоний ва интеллектуал қобилиятларини такрор ҳосил қилишини таъминловчи илмий асосланган оқилона истеъмол даражаси намоён бўлади. Фаровонлик, бу жараён эса, инсонларнинг баркамол ривожланишини таъминловчи неъматлардан тўлиқ ҳолда фойдаланиш имконияти асосида намоён бўлади.

Бугунги кунда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини ўрганишга таъсир этувчи омилларни чуқур ўрганиш, ушбу омилларнинг ижобий таъсирини ривожлантиришга қаратилган турли ёндашувлар ишлаб чиқиши ва такомиллаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Статистик маълумотларга таянадиган бўлсак, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг 71 фоизи [8] деҳқон ва томорқа хўжаликларида ишлаб чиқарилади. Бунинг маъноси шуки, қишлоқ аҳолисининг аксарият қисми бу қишлоқ хўжалиги корхоналарида банд. Сифат ва миқдор жиҳатидан талабга жавоб берувчи маҳсулотларнинг мавжудлиги аҳоли орасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди, қолаверса қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини тубдан яхшилади. Бундан келиб

чиқадики, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси “турмуш сифати” ибораси билан бевосита боғлиқ бўлиб, улар ўртасидаги боғлиқлик турли илмий манбаларда иқтисодчи олимлар томонидан батафсил асослаб берилган.

Демак, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасига таъсир этувчи омилларни шартли равишда қуйидаги турларга бўлиб ўрганамиз (2-расм):



2-расм. Қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасига таъсир этувчи омиллар таснифи

Расмдан маълумки, аҳолининг турмуш даражасининг яхшиланишида экологик, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий омиллар ўз таъсир кучига эга:

- экологик омиллар: табиат, яъни атроф-муҳитнинг ҳолатини ўрганиш ва табиий ресурслардан экологияга зарар етказмай фойдаланиш билан боғлиқдир;

- ҳуқуқий омиллар: давлат органлари, маҳаллий бошқарув ва ҳокимият ташкилотлари фаолиятининг натижавий самарадорлиги, улар билан бошқа корхоналар ўртасидаги интеграцион жараёнлар мамлакат ривожига катта ҳисса қўшади;

- ижтимоий омилларда эса, мамлакат ижтимоий қатламининг юксалиши ва аҳоли турмуш даражасининг яхшиланиши, аҳоли орасида тадбиркорликнинг шаклланиши, қишлоқ жойларида ишсизлик ва бандлик даражаси, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини сақлаш ва таълим тизимининг янгилашиб бориши каби бир қатор ижтимоий мезонлар таъсир кўрсатади;

- иқтисодий омиллар: жамиятда иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши ҳудудлардаги мавжуд табиий ресурслар ва уларнинг экспорт салоҳиятига, ишлаб чиқариш инфратузилмасига ва тармоқлар иқтисодиётининг таркибий структурасига боғлиқлиги билан эътиборлидир.

Аслида, турмуш сифати - инсоннинг фаолият турларини, бирламчи ва иккиламчи эҳтиёжлари таркибини ва уларни қондириш даражасини, инсоннинг жамиятда тутган ўрни ва яшаш тарзи билан чамбарчас болиқ муносабатларини ифодаловчи муносабатлар мажмуидир. Демак, аҳолининг турмуш даражаси моддий мезонларда

ифодаланса, турмуш сифати аҳоли турмушининг маданий ва маиший жиҳатларини билдиради.

Тадқиқот давомида Қашқадарё вилоятининг Косон тумани мисолида фаровонлик даражасини ўрганишга ҳаракат қилдик. Косон тумани “Пудина” қишлоғида 2015 йилда 1 та мактаб, 1 та саломатлик пункти ва 2 та савдо дўкони мавжуд бўлиб, 2022 йилга келиб 2 та мактаб, 3 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та саломатлик пункти ва 14 та савдо дўконлари аҳолининг турмуш даражасининг ошишига хизмат қилиб келмоқда. Хусусий мактабгача таълим муассасаларининг кўпайиши ёш авлоднинг янада билимли, баркамол бўлиб вояга етишида ўз ҳиссасини қўшади. Аҳоли таркибида илмий салоҳиятли аҳоли сонининг ортиб бориши, дунёқарашнинг ўсишига олиб келади. Бундан ташқари, мамлакатимизда аҳоли даромадларининг таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадларнинг улуши тобора ортиб бормоқда. Биз ўрганган объектда мавжуд аҳолининг 68 фоизи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади. Жумладан, томорқасида етиштирган маҳсулотларини эркин тарзда реализация қилади ва шу орқали иқтисодий фаол аҳоли таркибига киради.

Хулоса. Юқоридагиларни умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ривожлантириш, яъни аҳоли орасида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминловчи объектлар саналган деҳқон ва томорқа хўжаликлари фаолиятини кенгайтириш қишлоқ жойларида аҳоли турмуш даражасини оширишнинг муҳим омили сифатида тарғиб қилинади. Фикримизча, қишлоқ аҳолисининг мукамал турмуш тарзига эга бўлиши кўп жиҳатдан қуйидагиларга боғлиқ:

- қишлоқ жойларида аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ва ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳасини мунтазам такомиллаштириб бориш лозим;
- аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий мезонларини аниқлаш ва уни юксалтиришда зарур инновацион стратегиялардан фойдаланиш зарур;
- хизматлар кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенг жорий этиш ва янада ривожлантириш каби устувор масалаларни амалга ошириш;
- қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини ошириш, ишлаб чиқариш, қайта ишлаш корхоналари фаолиятини такомиллаштириш;
- қишлоқ жойларида мавжуд ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасида интеграцион алоқаларни йўлга қўйиш лозим.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига табриги 11 декабр, 2021 йил.
2. Салин В.Н., Шпаковская Е.П. Социально-экономическая статистика. М., 2001. с. 399.
3. Дагбаева С.Д. Уровень жизни населения: пути решения проблемы бедности. Улан-Удэ., 2008. с.35.
4. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Тошкент, “Меҳнат” 2009. 357- б.
5. Мухиддинов Х. С. Ҳудуд аҳолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Монография. Т.: “ФАН”, 2009. 12 б.

6. KHAMRAEVA S. N., ALIMOVA M. Y. Methodological bases for assessing the level of innovative development of agriculture and its service infrastructure activities //Journal of Contemporary Issues in Business and Government| Vol. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 4063.
7. Khamraeva S. N. The role of infrastructure in the socio-economic development of agriculture in the context of anti-crisis measures //Regional features of mitigating the effects of the global financial and economic crisis in Uzbekistan. Proceedings of the Republican scientific-practical conference.–Termez. – 2014. – С. 182-184.
8. Ochilova, N. A. "FARMING MANAGEMENT AND THEIR ECONOMIC EFFICIENCY." *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM* 3.28 (2023): 177-184.
9. Очилова, Наргиза. "ЗНАЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ В РАЗВИТИИ ДЕХКАНСКИХ И ПОДСОБНЫХ ХОЗЯЙСТВ." *Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences*. 3.4 (2023): 106-112.
10. <https://qashstat.uz/uz/>